



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> January, 2025

## **БУХОРО ВИЛОЯТИДА ДЕСТРУКТИВ ЎПКА ТУБЕРКУЛЁЗИ ВА ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ДАВОЛАНАЁТГАН БЕМОРЛАРНИНГ КОАГУЛОГРАММАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИНИ БАХОЛАШ**

<sup>1</sup>Абдукаримов Мирзобек Улугбекович

<sup>2</sup>Усмонов Исомиддин Хайдарович

1. Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон
2. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия  
ва пулмонология илмий-амалий  
тиббиёт маркази, Тошкент, Ўзбекистон

### **Долзарблиги:**

Бу тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, юрак-қон томир касалликлари ўпка туберкулёзи билан оғриган bemорларда қон ивиши тизимиға қандай таъсир қилишини ўрганиш муҳим клиник аҳамиятга эга. Юрак-қон томир касалликлари ва туберкулёзниң биргаликда пайдо бўлиши, гиперкоагуляция ва тромбоэмболик асоратлар хавфини оширади. Бу ҳолат қон ивиши тизимини синчиклаб кузатиш ва тўғри даво йўлларини белгилаш зарурлигини кўрсатади. Тадқиқот натижалари клиник амалиётда қон ивиши параметрларини назорат қилиш орқали юрак-қон томир касалликлари ва туберкулёзли bemорларда асоратларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот мақсади:** деструктив ўпка туберкулёзи ва коморбид ҳолатларда қон ивиш тизимидағи ҳолатларни баҳолаш ва даволаш тактикасини тузиш.

### **Материаллар ва методлар:**

Тадқиқотда 2022-2023 йилда Бухоро вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказида деструктив ўпка туберкулёзи билан даволанган 47 нафар bemор иштирок этди. Улар икки гурухга ажратилди: юрак-қон томир касалликлари йўқ ( $n=18$ ) ва юрак-қон томир касалликлари бор ( $n=29$ ) bemорлар. Барча bemорларда қон ивиши тизимини баҳолаш учун коагулограмма анализи ўтказилди. Куйидаги параметрлар ўлчанди: протромбин вақти, протромбин



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> January, 2025

индекси, МНО (халқаро меъёрий муносабат), АЧТВ (Қисман фаол тромбопластин вақти), фибриноген тайм, фибриноген даражаси, тромбин вақти (ТВ) ва д-димер даражаси.

Барча күрсаткичлар стандарт лаборатория усуллари орқали ўлчанди. Натижалар ўртача қиймат (M) ва ўртача квадратик чегара (m) шаклида тақдим этилди. Юрак-қон томир касалликлари бўлган ва бўлмаган беморлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан Student criterion t-тести орқали таҳлил қилинди. Р-қийматлари 0,05 дан кичик бўлган ҳолатлар статистик аҳамиятли деб ҳисобланди.

Бу методлар орқали беморларда юрак-қон томир касалликларининг қон ивиши тизимиға қандай таъсир қилишини баҳолаш имкони яратилди, шунингдек, гиперкоагуляция ва тромбоэмболик асоратлар хавфи аниқланди.

## **Натижалар:**

Тадқиқотда юрак-қон томир касалликлари билан касалланган ва касалланмаган ўпка туберкулёзи билан оғриган беморларда қон ивиши тизимидағи ўзгаришлар таҳлил қилинди. Протромбин вақти, протромбин индекси, ва МНО күрсаткичлари сезиларли даражада ўзгармаган ( $P > 0,05$ ), бу қон ивиши тизимидағи умумий фаолиятнинг барқарорлигини кўрсатади. Аммо, АЧТВ күрсаткичи юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларда сезиларли даражада узайган ( $P = 0,004$ ), бу ички қон ивиши йўлининг бузилганлигини кўрсатади. Фибриноген даражаси юрак-қон томир касалликлари билан касалланган беморлarda юқори бўлиб ( $P = 0,029$ ), бу гиперкоагуляция ҳолатини акс эттиради. д-димер даражаси ҳам юқори бўлган ( $P = 0,020$ ), бу тромб ҳосил бўлиши ва фибрин парчаланиши жараёнларининг фаоллигини кўрсатади. Қолган күрсаткичлар бўйича аҳамиятли фарқлар кузатилмаган. Натижалар шуни кўрсатадики, юрак-қон томир касалликлари қон ивиши тизимиға салбий таъсир кўрсатиб, тромбоэмболик асоратлар хавфини оширади.



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> January, 2025

---

## **Хулоса:**

Тадқиқот натижалари юрак-қон томир касалликлари бўлган деструктив ўпка туберкулёзи билан касалланган bemорларда қон ивиши тизимида айрим ўзгаришлар кузатилаётганини кўрсатади. АЧТВнинг узайиши, фибриноген даражасининг ошиши ва д-димернинг қўпайиши гиперкоагуляция ҳолатини ва тромб ҳосил бўлишига мойилликни кўрсатади.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Adefuye MA, Manjunatha N, Ganduri V, Rajasekaran K, Duraiyarasan S, Adefuye BO. Tuberculosis and Cardiovascular Complications: An Overview. Cureus. 2022 Aug 22;14(8):e28268. doi: 10.7759/cureus.28268. PMID: 36158349; PMCID: PMC9491794.
2. Wang, BY., Song, K., Wang, HT. *et al.* Comorbidity increases the risk of pulmonary tuberculosis: a nested case-control study using multi-source big data. *BMC Pulm Med* **24**, 29 (2024). <https://doi.org/10.1186/s12890-023-02817-6>